УДК 894-1(045)

“ТАҒАЗЗУЛ” ДОСТОНИДА ШАРҚОНА ТАФАККУР ВА ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР ТАЛҚИНИ

С.Ч . Жумаева

Мақолада Икром Отамуроднинг “Тағаззул” достони замиридаги фалсафий мушоҳадалар талқини ҳақида сўз боради. Икром Отамурод ижоди ҳозирги давр ўзбек адабиётида достон жанрининг ривожланиши ва достонга хос бадиий талқиндаги фалсафий тафаккур тараққиётида муҳим ўрин тутади. Инсон қалби кечинмаларини фалсафий оҳангда тасвирлаш усулини яхши эгаллаган шоир ҳар бир асарида инсон руҳиятининг муайян ҳолатини теран таҳлил этади. Муаллиф Икром Отамуроднинг мазкур достонида фалсафий мушоҳадаларига оид қарашлари хусусида сўз юритган.

Калит сўзлар: *шоир, тафаккур, муттоз адабиёт, замонавий адабиёт, ғоявий-фалсафий ният, фалсафий мушоҳада, бадиий-эстетик таъсир, маънавий-маърифий жиҳат.*

В статье исследуются философские размышления в дастане Икрома Отамурода “Тагаззул”. Творчество Икрама Атамурада играет важную роль в развитии эпического жанра и развитии философского мышления в литературной интерпретации в узбекской литературе. Хорошо разбираясь в философском способе выражения движений человеческой души, поэт в каждое из своих произведений посвящает описанию определенного состояния души человека. Анализируются философские размышления, отраженные в дастане Икрама Атамурада и раскрыта сущность духовного мира лирического субъекта.

Ключевые словы: *поэт, мышление, классическая литература, современная литература, идейно-философская интенция, философское наблюдение, художественно-эстетическое воздействие, духовно-просве-тительский аспект.*

Ўзбек шеъриятидаги поэтик шакллар ранг-баранглиги аслида бадиий тафаккурнинг моҳиятан ҳамиша янгиланишга мойиллиги билан боғликдир. Бадиий-эстетик тамойилларнинг янгиланиши – шеъриятнинг бевосита ижтимоий-маънавий ҳаёт билан боғлиқ тарзда доимий ўзгарувчан табиатини белгиловчи асосий хусусиятдир. Лирика жанрлари тизимининг ривожи ранг-баранг шаклий ва услубий изланишлардан иборатлигининг сабаби ҳам энг аввало шундаки, шеърият ҳамиша ҳаётни ва инсонни янгича тушунишдан, тушунтиришдан озиқланган ҳолда тараққий этади. Икром Отамуроднинг ижодий изланишларига хос фалсафий мушоҳадакорлик билан суғорилган шеърий туркумлар ва поэмалар ҳам ўзбек шеъриятининг ўзига хос поэтик шаклларни қўллаш борасидаги илғор тажрибалари маҳсулидир.

Ҳар қандай ижтимоий фаолият каби бадиий ижод ҳам ўзига хос муайян хусусиятларга эга бўлиб, у фикрлар ва туйғулар оламига кириб бориш асосида юзага келади. Зеро, инсон фикрлаш, мулоҳаза қилиш қобилиятига эга бўлибди-ки, ўзини ўраб турган оламни мукаммал билишга интилади. Одамзот ҳамиша янгиликка ташна. Қандай шакл ва мазмунда бўлишидан қатъи назар унга мужда керак. Шеър катта эврилишлар самараси, шоир эса жамият буҳронлари самарасидир. В.Г.Белинский таъкидлаб ўтганидек, “Шеъриятда фикр нима? Ушбу саволга қаноатланарли жавоб бермоқ учун ҳис нима, деган масалани ҳал қилиш зарур. Ҳиссиёт ўзининг этимологик маъносига кўра, танимиз, жисмимиз, қонимизга тегишли. Ҳис ва сезгиларнинг ўзаро тафовути шундаки, бири танимизда моддий жисм таъсирида қўзғалган жисмоний сезги, бири эса ҳам жисмоний, ҳам фикрдан туғилган сезги. Шунинг учун инсон ҳиссиётдан тўлқинланиб, ларзага тушаркан, қўлини кўкрагига ёки юрагига маҳкам босиб олади. Чунки кўкрагида нафаси бўғилади, ё кўкраги қисади ёки кенгаяди, ёнади ва совқотади, чунки юраги орзиқади, титрайди, депсиниб уради; шунинг учун у чекинади ва қалтирайди, қўлларини кўтаради, бутун танига бошданоёқ қайноқ тер қоплайди, сочлари тикка туриб кетади. Бинобарин, асар фикрдан, бироқ ҳиссиётдан маҳрум бўлиши мумкинлиги жуда тушунарли; бундай ҳолда, ўша асарда поэзия бўлармикан? Аксинча, ҳис бор экан, фикр бўлиши муқаррарлиги ҳам жуда тушунарли бир ҳол. Табиийки, ҳис теран бўлган жойда фикр ҳам теран бўлади ва, аксинча...” [1. Б. 167]. Икром Отамуроднинг “Тағаззул” номли достонида шу хусусият ўз ифодасини топган.

Маълумки, “Ижодкор ўзини қийнаган муаммоларни бадиий идрок этиш учун кенг ва қулай имкон берувчи ҳаёт материалини танлайди ва тасвирлайдики, бу бадиий асар мавзуси ҳисобланади” [2. Б. 54]. “Тағаззул” – бу ғазал атамасининг кўплик шаклида қўлланилиши бўлиб, ошиқлик, ишқий шеър маъноларини билдиради. Адабиётшуносликка оид асарларда ғазал жанрига алоҳида таъриф берилиб, унинг “... арабча “ошиқона сўз”, “ишқ изҳор қилиш” маъноларини билдириб, **а-а, б-**

а, в-а, г-а... тарзида қофияланувчи, 3 байтдан 19 байтгача ҳажмда бўлган байтли шеър шакли..." эканлиги ... Ғазалда, асосан, ошиқнинг ҳижрону айрилиқ дамларида чеккан соғинч изтироблари, дардли кечинмалари тасвирланиши ҳақидаги қайдлар мавжуд [3. Б. 242; 4. Б. 196; 5. Б. 212; 6. Б. 95; 7. Б. 42]. Адабиётшунос Д.Қуроновнинг қайд этишича, ..."ғазал" жанри дастлаб пайдо бўлганида мазмун ҳодисаси эди. Унинг мазмун ҳодисаси бўлганлиги сўзнинг луғавий маъноси билан изоҳланиши мумкин. Яъни, сўз маъносидан келиб чиқсак, "аёлларга хушомад, муҳаббат" мазмунидаги шеърий асар ғазал дейилган. Кейинча, ғазал шу мазмунни ифодалаш учун энг мувофиқ шаклга эга бўлгач, у аста-секин шакл ҳодисасига – ўзининг муайян шаклий белгиларига (икки мисрали бандлардан таркиб топиши, 3 байтдан 19 байтгача ҳажмда бўлиши, дастлабки байтда мисраларнинг ўзаро қофияланиши ва кейинги байтлардаги иккинчи мисранинг биринчи байтга қофиядош бўлиши) эга турғун шеърий жанрга айландики, энди бу шакл воситасида турфа мазмунлар (фалсафий, тасаввуфий, ҳажвий ва б.) ифода этила бошланди [6. Б. 94–95].

Англашиладики, Шарқ шеърияти тарихини ғазал жанрисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ғазалларнинг етакчи мавзуси эса ишқ ва ошиқ талқинларига мансуб бўлиб, унда ҳижрондан зада бўлган қалб манзаралари юксак бадиий шаклда ўз ифодасини топади. Бу анъаналардан ижодий илҳомланган Икром Отамурод ҳам достонга ғазал руҳини олиб киради. Достон "Хизонаи омира" китобидан олинган "Араб ва ҳинд шоирлари тағаззул биносини яратдилар" деган эпиграф билан бошланади*. Шоир асарга сўзнинг ана шу маъноларидан келиб чиқиб ёндашади. Тағаззул биноси бу ўринда рамзий мазмун ташийди. Достонда теранлик, тиниқлик, мантиқ, бадиийлик, ижодийлик ва инсон тафаккурига хос жиҳатлар шоирнинг рамзий-фалсафий ҳамда психологик таҳлил маҳорати орқали бадиий талқин этилган. Хусусан, шоир тағаззулни "кўп қадим бино" сифатида таърифлар экан, унинг Шарқ адабиётидаги кўплаб гўзал намуналарига ишора қилишни лозим топади:

Тағаззул – кўп қадим бинодир, зотан,
меъморлари – кангул фуқаролари.
Ишққа дохил суяги сурмаларга тан –
жисмимда ниш отган ишқ яролари... [8. Б. 125].

Аёнки, инсон танаси мукаммал тузилган ва ундаги ҳар бир аъзо муҳим вазифани адо этади. Шоир инсоннинг тана тузилишига асосланиб, ғазал биноси тарҳини рамзий усулда чизади. Меъмор эса кўчма маънода кўнгил фуқароларидир. Демак, бу бинони муҳаббатдан озор чеккан қалблар барпо этади. Шу боис, шоир бир ўринда:

Осмонинг бўлсин канглум.
Замининг бўлсин канглум.
Жанубинг бўлсин канглум,
Шимолинг бўлсин канглум.
Мағрибинг бўлсин канглум.
Машриқинг бўлсин канглум.
Ишқ аслинг бўлсин канглум.
Тўрт фаслинг бўлсин канглум.
Сенинг савдойинг канглум.
Сенинг шайдойинг канглум [8. Б. 134–135].

дея ҳайқиради. Синчков китобхон эса айни мисралар орқали тасаввуримизда шоирнинг шахс сифатидаги қиёфаси, характери, юксак маънавий-ахлоқий дунёси ҳамда "кангул" кенгликларининг ўзига хос тарзда ҳислатланиб туришига гувоҳ бўлади. Зеро, бу мисралар – шоир ўзлигининг ифодаси. Бундай сўзларни шоир шунчаки айтиши мумкин эмас.

Таъкидлаш жоизки, бадиий тафаккур ривожи, бир томондан, мумтоз адабиёт ва фольклор анъаналарининг, иккинчи томондан, Шарқ ва Ғарб – жаҳон халқлари бадиий тажрибасининг самарали таъсири ўзбек лирикасининг янгича бадиий-эстетик тамойиллар асосида юксалиши учун асос яратди, замин ҳозирлади. Айни шу жиҳатлар, яъни, теран фалсафийлик, чуқур психологик ёндашув, миллий руҳ ҳамда диний-ахлоқий мезонларга садоқат Икром Отамуроднинг "Тағаззул" достони асосини ташкил этади:

Мисоли Карбало даштида хокоб –
шўрмонда жоним-ай,қовжираб тўзар.
Оҳим нолалари садқанг моҳитоб,
оҳим нолалари қулинг зулфизар!

Олдин кунлар...
Сўнгра ойлар...
Кейин йиллар... [8. Б.130].
Ёки,
Ҳар бир тола сочи бошдан то охир,
сабрга айланган ҳазрати Аюб,
сабр сувин ичмиш бўлса-да оғир
идраган танига сабрни ёйиб. [8.Б.137].

Шу боисдан ҳам шоир эътиборида воқеа-ҳодисалар тасвири эмас, балки ундан олган таассурот, таъсирланиш орқали ички кечинмалар, хотиротларга берилиш орқали қалб тўлқинланишлари, ҳиссиётнинг жунбушга келиши моҳияти тасвири достонда асосий ўринни эгаллайди. Унда кечинмаларнинг тасвири эмас, балки келиб чиқиш сабаблари, ҳолати таъсирчан бир тарзда таҳлил этилади, туйғуларнинг дил изҳори эмас, балки ўзи ўрганилади.

Барча замонларда инсонда умумий асосни излаш билан банд бўлган Шарқ тафаккурига ҳозир

*Тағаззул – арабий сўз бўлиб, ғазал ёки ошиқона шеърлар ўқимоқ ва битмоқ маъносини билдиради. Ишқбозлик, ошиқлик маъноларида ҳам келади.

ҳам инсонни ва унинг ташқи дунё билан алоқасини тушунишга нисбатан Ғарб фалсафасидагидан ўзгача ёндашув хосдир. XX аср бошида ҳинд мутафаккири С.Вивекананда шундай деб ёзган эди: “Инсон табиатни ўзига бўйсундириш учун туғилади ва бу ўринлидир, аммо Ғарб “табиат” деганда фақат моддий, ташқи дунёни тушунади. Бу ташқи табиат ўзининг барча тоғлари, океанлари, дарёлари, ўзининг чексиз кучлари, чексиз ранг-баранглиги билан жуда улуғвор, лекин ундан ҳам улуғворроқ дунё борки, бу инсоннинг ички дунёсидир. У қуёш, юлдузлар, ер ва бутун моддий Коинотдан юксакроқ, бизнинг шахсий кичиккина ҳаётимизнинг тор чегарасига сиғмайдиган дунёдир. Ғарб одами ташқи дунёда “ўзиники” бўлганидек, бу ички дунёда Шарқ одами ҳам худди шундай “ўзиники”дир. Шу боис... Ғарб маънавий дунё нима эканлигини, Худо нима эканлигини, инсон жони нима эканлигини билмоқчи, дунёнинг сири ва мазмуни нимада эканлигини англаб етмоқчи бўлса, у Шарқ оёқлари остига тиз чўкиб қулоқ солиши керак. Ҳамонки, дунё ҳозир маълум маънавий уйғонишга муҳтож экан, бунда у кучни Шарқдан олади” [9. Б. 488–489].

“Тағаззул” билан танишар эканмиз, Икром Отамурод кашф этган янги бир усулга ҳам гувоҳ бўламиз. Яъни, достонда шоирнинг воқеликка, руҳият кенгликларига янгича нигоҳ билан ёндашганлиги, “ҳиссий тафаккур ҳолатларини суратлантириш” [1. Б. 42] сари интилаётганлиги кўзга яққол ташланади. Аниқроғи, асарда туйғу ва фикр қоришиқ ҳолда келади. Унда чарх уриб, фарёд чекиб ҳар икки оламдаги энг муқаддас нарсасини – дардини, ишқни излаётган ошиқ ноласи зукко шеърхон қалбида ҳам акс-садо беради. Шеърнинг биринчи бандининг иккинчи (*мен каби нотавон, ғарибмен каби?*) ҳамда иккинчи бандининг уч ва тўртинчи (*Нетай, васлинг хумор ўлди, Нетай?*) мисралари лирик қаҳрамон руҳий ҳолатининг, кечинма-ю кайфиятини ифодадалайди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, “...қадимги Шарқ фалсафасининг ижтимоий муаммолари орасида ахлоқ мавзуси етакчилик қилади. Ўша даврда яратилган ҳикматли сўз, иборалар бугунги кунда ҳам инсонни мулоҳаза юритишга мажбур қилади” [10. Б. 52]. Масалан, зардўштийлик динининг муқаддас китоби бўлган “Авесто” асарида одамларни имонли-эътиқодли, сабрли бўлишга, ёмон амал ва сўзлардан ҳамда ёвуз ният ва ножўя ишларлардан тийилишга, фойдали меҳнат билан шуғулланишга даъват этадиган ахлоқий қоидалар, ўгитлар ҳақида кўплаб қайдлар учрайди. Асарда “...таналарингиз ҳақида эмас, балки қалбингиз ҳақида кўпроқ қайғуринг” деган қоидалар белгиланган [11. Б. 19–20]. Ўз даврида устоз адиб Абдулла Қаҳҳор: “Агар ёзувчининг ахлоқ кодекси тузиладиган бўлса, мен ҳалоллик билан жасоратни биринчи модда қилиб қўяр эдим, чунки ёзувчининг бошқа ҳамма хислатлари унинг қай даражада ҳалол, нақадар шижоатли эканига боғлиқдир”, – деб ёзган эди [12. Б. 83]. Зеро, табиатан шундай характерга эга бўлган ижодкоргина бу каби сифатларни илғайди, уларга ном топади ва сўз билан ифодалай билади. Шоир ёзади:

Канглум сабрни сиддиқ айлади,
Чўкиртак жуссасин тикиб тўзимга.
Сабр-да чилвирин маҳкам бойлади.
Мушфиқ канглум йўрган бўзига [8. Б. 137].

“Тағаззул” – ўзига хос мавзу кўламига, мазмун силсиласига, тизимига эга асар. Асар шаклан аруз вазнида ёзилмаган бўлса-да, унинг мазмунида, ҳар бир сатрида ғазал руҳи сезилиб туради. Асарда кўнгил, ишқ, ошиқ, ҳижрон, васл, озор, соғинч, ғариб, хазон, япроқ сингари бадиий тимсоллар бор бўйи билан кўзга ташланиб туради, уларга шоир теран рамзий маънолар юклайди:

Кўзларим селобин симирар қалқиб,
ҳузн дайросининг қовжираб лаби.
Эй мастона канглум, бу нечук борлиқ –
мен каби нотавон, ғарибмен каби? [8. Б. 126]
Ёхуд:
Ҳажринг дилимга ёр ўлди,
Доғинг жонимга дор ўлди,
Нетай, васлинг хумор ўлди,
Нетай? [8. Б. 140].

“Тағаззул”да, яна бир жиҳат – мумтоз адабиётнинг ўлмас, умрбоқий мавзуларидан бири – ҳаёт неъматларини ғанимат билиб, ундан баҳраманд бўлиш ғояси ўзига хос бир нафислик билан қаламга олинади. Асарда шоир “*Эй мастона канглум, бу нечук борлиқ?*” деб ўз-ўзига гинахонлик қилади. Мисрадан-мисрага, банддан-бандга уланиб, ўзига хос бутунликни ҳосил қилувчи ўринларда фалсафийлик билан лиризм кучайиб, бир-бирини тўлдириб боради. Жумладан,

Кўксим туфроғида гуллаган зорлиқ –
жоним ўртанади, жонимни йўниб.
Эй мастона канглум, бу нечук борлиқ –
кундузи – фироғу ҳижрондир туни?! [8. Б. 126]

деб зорланган шоир бир ўринда кўнгилни *“ишқ дардини ўстирган туфроқ”*қа, муҳаббатни эса кўнгилнинг таржимаи ҳолига менгзайди:

Мен сенга интилдим, канглумда фироқ,
тортаман жафосин оғир сангилнинг.
Канглум – ишқ дардини ўстирган туфроқ,
ишқ – таржимаи ҳоликанглумнинг. [8.Б.127]

Ошиқ қалбидаги соғинч ҳам турфа хил метафоралар воситасида фалсафий мазмун касб эта боради ва маҳзун сатрларда бу жиҳатлар янада ёрқинроқ ифодаланади:

Соғинчим ўртаниб сенга узанди,
тополмайин қайтди, мунғайиб ночор.

Четлаб чопаётган вақтнинг тўзинди,
муғамбир кўзлари ўзин обқочар [8. Б. 127].
Ёхуд:
Соғинчим йўлларга тўкилган хазон,
ўтган, қайтган пойи берур озорни.
Ў, ишқ йўлларингда бўлдим-ку хазон,
ў, ишқ йўлларингда мурувват борми? [8. Б. 128]

Англашиладики, шоирнинг лирик қаҳрамони соғинч изтиробларини қалбида "*мунғайиб ночор*" кўтарган ошиқ. У "*Соғинчим йўлларга тўкилган хазон*", дебон жавобсиз муҳаббатнинг соғинчлари оёғи остидаги хазонга айланмоқда. Бироқ ошиқ ишқнинг ўзидай масрур, "*ишқ йўлларингда мурувват борми?*", дея дард чекиш бахтидан мағрур. Руҳий изтироблар ва ҳижрон дарди эса ишқнинг ортишига сабаб бўлғусидир. Асарда ошиқнинг ҳижрону айрилиқ дамларида чеккан соғинч изтироблари, дардли кечинмалари ғоят таъсирли мисраларда тасвирланган:

Бир нафас висолга йўл бер эй, ҳижрон,
чатнатдинг жонимни томиғлаб.
Бунча тиш қайрайсан, не сабаб ҳар он,
бунча кўз тиккансан, мени жониғлаб? [8. Б. 128]

Руҳшуносларнинг гувоҳлик беришларича, ҳар бир инсоннинг биомайдонида унинг бу заминга нега келганлигини билдирувчи маълумот яширин-дир. Бу гўё инсон ердаги ҳаёти мобайнида амалга ошириши керак бўлган бир дастурдир. Аксариятимиз бу моддий дунё талотўпида ана шу дастуримизни унутиб қўямиз. Унутмаслик учун эса киши кенг маънодаги билимга эга бўлмоғи керак. Билим ижоднинг муҳим компоненти, объектив реалликни билишнинг асосий материали ҳисобланиб, уни эгаллаш орқали сезги, эстетик ҳис қилиш, идрок, тафаккур, хотира, хаёл, дунёқараш, кўникма, малака, ижодий иш услуби, маҳорат ривожланиб боради. Ижодкор учун эса билим – бу ҳаётий материал, ҳаётни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш бўлиб, усиз санъат асари яратиб бўлмайди. Ҳаётни билиш ижодкорда унинг ҳиссиётлари орқали ўтади. Шу маънода, Икром Отамурод шаклий-услубий изланишларида рамзий-фалсафий тафакккур тарзининг халқона усуллар билан қоришиқ ҳолда шоир ижодининг етакчи тамойилига айланиб борганлигини англаш мумкин. Шоир ёзади:

Найлайин, оҳ, бе чораман,
Бор-йўғи зор, бечора ман.
Аввал, охир бе чора ман,
Аввал охир... [8. Б. 140].

Шоирнинг Шарқ мумтоз шеъриятидан ижодий таъсирланиш билан боғлиқ омилларни унинг сўз ва атамаларни қўллаш маҳоратида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, достонда кенг қўлланилган Тағаззул, Карбало, Аюб, ишқ, ошиқ, ғусса, шамс, маҳжур, маҳзун, мустариб, мубтало, қаттол, ҳажр, сабр, муқаррар ва яна бир қатор арабча сўзлар уни моҳиятан мумтоз асарларга яқинлаштирган:

Тағаззул биноси – ишқдан бинодир:
соғинчлар,
сабрлар,
сукунатлар – девори.
Бул бино ичинда дилим ёнодир,
ташинда азобим ўсаюр қавориб [8. Б. 143].

Айни жиҳатлар шоирнинг ўзбек поэмачилигидаги алоҳида услубий йўналишини ҳам белгилаб туради.

"Тағаззул"да эҳтиросли туйғулар ўзининг юксак талқинини топиб боради. Шу маънодаки, асарнинг ҳар бир мисраси оҳорли ташбеҳлар, бетакрор метафоралар билан зийнатланган:

Канглумда тўрт тири банди –
канглумда тўрт ёғ ўсаюр.
Гуллари ғуж боғда, энди
хазон бўлган тоғ ўсаюр.

Куйган канглум, ҳануз ёра
куяр, анда оғ ўсаюр.
Наздин тикиб зуҳди зора –
мулки сабр чоғ ўсаюр [8. Б. 129].

Шунингдек, асарда бир нечта тасвирий усул ва воситалардан самарали фойдаланилган:

Барибир...
бордир ҳар лаҳзада нимадир илинж,
бордир ҳар лаҳзада нимадир пайғом [8. Б. 132].

Бандда, аввало, анафора усули ("*бордир ҳар лаҳзада нимадир"* мисралари такрори) ёрдамида лирик қаҳрамонни қийнаган муайян фикр, кечинма таъкидлаб кўрсатилган. Ҳиссий ифодавийликни кучайтириш мақсадида қўлланилган *(илинж, пайғом)* сўзлар асар таъсирчанлигини янада оширган. Бироқ ҳажр йўлида ўртанаётган ошиқ маъшуқасидан ёзғирмайди. Чунки асл туйғу миннатдан йироқ бўлади. Ишқ аталмиш қадим туйғунинг инсон қалбига кириб келиши ифодаси тасвири ҳам ўқувчи назаридан четда қолмайди:

Тағаззул – кўп қадим бинодир, зотан,
меъморлари – кангул фуқаролари...
Бул бино боридан мудом сас берур –
кангулнинг ноласи,
кангулнинг куйи,
Тағаззулнинг насиби, ки, фурқат эрур –
тийғи дондон кўксини ўйиб [8. Б. 143–144].

Аслида ҳам асарнинг жозибаси одамзодни муҳаббатга, инсонийликка, инсонпарварликка чорлайдиган ўлмас ғоясидадир.

Хулоса қилиб айтганда, "ўзбаки кангулнинг" файласуф шоири Икром Отамуроднинг кўп йиллик ижодий изланишлари маҳсули бўлган "Тағаззул"

достони лирик поэманинг янги бир фалсафий мушоҳадакорлик, тимсолли фикрлаш ва чуқур лиризм билан йўғрилган намунаси сифатида аҳамиятлидир. Асар шеърхонни ҳаётни беқиёс тафаккур кенгликлари орқали теран англашга ундайди. Унда комиллик сари бўй чўзаётган инсон, “кангул” кенгликларига ўйчан нигоҳ ташловчи шахс, ўз хатоларидан озурда бўлган қалб нидолари шоирнинг рамзий-фалсафий ва психологик таҳлил маҳорати туфайли ўзининг бадиий тажассумини топган.

Адабиётлар:

1. *Белинский В.Г.*Танланган асарлар. – Тошкент: Ўзбекистон Давлат нашриёти, 1955. – 279 с.
2. *Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М*. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – 400 б.
3. *Султон И*. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005. – 272 б.
4. *Умуров Ҳ.* Адабиёт назарияси. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 256 б.
5. *Бобоев Т.* Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б. 558.
6. *Қуронов Д*. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Халқ мероси, 2004. – 224 б.
7. *Юсупова Д*. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (Алишер Навоий даври). –Тошкент: Akademnashr, 2012. – 272 б.
8. *Отамурод И.* Тағаззул: Шеърлар ва достонлар. – Тошкент: Шарқ, 2008. – 176 б.
9. *Қаҳҳор А.* Адабиёт атомдан кучли. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – 276 б.
10. *Вивекананда Свами*. Философия йоги. / Переводчик: Я.К.Попов. – Магнитогорск: Амрита, 1992. – 522 с.
11. *Шермухамедова Н.* Фалсафа. –Тошкент: Маънавият, 2010. – 574 б.
12. *Умарзода М.* Овесто сирлари // Жаҳон адабиёти, 1997. – № 4. – Б. 15–21.

INTERPRETATION OF ORIENTAL THINKING AND PHILOSOPHICAL OBSERVATIONS IN THE EPIC “TAGAZZUL”

S.Ch. Jumaeva[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 3 (63). 49-54.

[1]Karshi State University, Karshi, 730003, str. Kuchabog, 17 (Usbekistan). E-mail: kardu@mail.ru

Keywords: poet, thinking, classical literature, modern literature, ideological-philosophical intention, philosophical observation, artistic-aesthetic influence, spiritual-enlightenment aspect.

This article discusses the interpretation of philosophical observations underlying the epic of Ikram Atamurod “Tagazzul”. The work of Ikram Atamurod plays an important role in the development of the epic genre in modern Uzbek literature and the development of philosophical thinking in the artistic interpretation of the epic. The poet, who is well versed in the way of describing the experiences of the human soul in a philosophical tone, continues with his works the tradition of creating epic poems on historical and modern themes in Uzbek poetry.

The history of oriental poetry cannot be imagined without the genre of ghazal. The leading theme of the poem belongs to the interpretations of love and passion, in which scenes of heartfelt separation are expressed in a highly artistic form. “Tagazzul” is an application of the term gazal in the plural, denoting the meanings of love, romantic poetry. In literary works, there is a special definition of the ghazal genre, which means from the Arabic “love word” or “confession of love”. The epic begins with the epigraph “Arab and Indian poets built a castle of gazelles” from the book “Khizonai Amira”. The poet approaches the work based on these meanings of the word. The construction of ghazals carries symbolic content in this place. In the epic, the depth and clarity of thoughts, tolerance, logic, art, creativity and aspects of human thinking are artistically interpreted through the poet's skills of symbolic, philosophical and psychological analysis. Creatively inspired by these traditions, Ikram Atamurod also introduces the spirit of the gazelle into the epic. More precisely, although the form of the work is not written in the form of aruz, in its content, the spirit of a gazelle is felt in every line.

The poet is based on a human physique and symbolically draws an image of the construction of a ghazal. An architect is a sincere citizen in a figurative sense. Thus, this building is erected by hearts suffering from love. An attentive reader will see through these verses that the image of the poet as a person, his character, his high spiritual and moral world, as well as "spiritual" spaces are clearly described in our imagination. After all, these poems are an expression of the poet's personality. Such words cannot simply be uttered by a poet. “Tagazzul” is a work that has a specific thematic scale, sequence, and content system. In it, first of all, one of the immortal, lifelong themes of classical literature - the idea of enjoying the

benefits of life, is written with special subtlety. In the work, the poet ironically says to his desires: “Hey, enchanted soul, what is life given for?”. From verse to verse, from couplet to couplet in places that create originality, philosophical lyrics strengthen and complement each other. The lyrical hero of the poet is a lover who carries the pain of longing in his heart. He turns into a treasure trove of longing for unrequited love.

References:

1. Belinskiy, V.G. (1955) *Tanlangan asarlar* [Selected works]. Tashkent: O‘zbekistan davlat nashriyoti.
2. Quronov, D., Mamajonov, Z., Sheralieva,M. (2013) *Adabiyotshunoslik lug‘ati* [Dictionary of Literary Studies]. Tashkent: Akademnashr.
3. Sulton, I. (2005) *Adabiyot nazariyasi* [The theory of literature].Tashkent: O‘qituvchi.
4. Umurov, H. (2002) *Adabiyot nazariyasi* [The theory of literature]. Tashkent: Shark.
5. Babaev, T. (2002) *Adabiyotshunoslik asoslari* [The Foundations of literature]. Tashkent: Uzbekistan.
6. Kuronov, D. (et.al) (2004) *Adabiyotshunoslikka kirish* [Introduction to literature]. Tashkent: Xalq merosi.
7. Yusupova, D.(2012) *O‘zbek mumtoz adabiyoti tarixi (Alisher Navoiy davri)* [The history of Uzbek classic literature (the period of Alisher Navai)]. Tashkent: Akademnashr.
8. Atamurod, I.(2008) *Тағаззул* [Tagazzel]. Tashkent: Shark.
9. Kahhar, A. (1987) *Adabiyot atomdan kuchli* [literature is stronger than atom]. Tashkent: Adabiyot va san’at nashryoti.
10.Vivekananda, S.(1992) *Filosofiya yoga* [The philosophy of yoga]. Magnitagorsk.
11. Shermukhamedova, N. (2010) *Falsafa.*[Philosophy]. Tashkent: Ma’naviyat.
12.Umarzoda, M. (1997) Ovesto sirlari [Avesto secrets]. *Jahon adabiyoti*. No 4. Pp.15-21.

Муаллиф ҳақида маълумот:
ЖУМАЕВА Салима Чўяновна – филология фанлари номзоди, Қарши давлат университети Адабиётшунослик кафедраси доценти. E-mail: jumayeva @mail.ru